

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 53 (12.114)

Баҳоси эркин нарҳда



Қадимий ва навқирон байрамимиз Наврўзи олам яқинлашмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бу айёмни азалий қадриятларимизга мос тарзда кутиб олишга қизғин тарафдор бўлиб кўриляптир. Далаларда, боғ-роғларда кўклам ишлари бошлаб юборилди. Қишлоқлар, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида теварак-атрофни тартибга келтириш, ободонлаштириш, ариқ-зовурлар, хиёбонларни тозалаш ишлари амалга оширилмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўлкамизда Наврўз нафаси



ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАРНИ УЛУҒЛАБ...



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 март куни қабул қилинган фармойиши бу борадаги ишларни ушшоқлик билан ташкил этиш, Наврўзни муносиб кутиб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур фармойишга кўра, юртимизда март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари деб эълон қилинди. Айни кунларда юртимиз бўйлаб ойлик доирасидаги тадбирлар ушшоқлик билан ташкил этилмоқда. Уларда бутун халқимиз, айниқса, ёшлар ўзaro ҳам-жихатлик билан фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши навқирон авлоднинг бу борадаги саяё-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳасини ишлаб чиқди. Мақсад — ёшларнинг онгу шуурида ўзликни англаш жараёнини чуқурлаштириш, йигит-қизларни тарихимизга эҳтиром, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида камолга етказиш, мамлакатимиздаги ислохотларда навқирон авлоднинг иштирокини кенгайтириш.

Мазкур лойиҳа ўз ичига қатор тадбирларни қамраб олган. «Ҳашар — ёшларга ярашар», «Яхшидан боғ қолар», «Ўтганлар руҳини шод этайлик», «Наврўз — меҳр-муруват байрами», «Юртимни обод этаман» каби тадбирлар доирасида ёшларимиз ўзлари яшайдиган, ишлайдиган ҳудудларда тозалик, ободонлаштириш ишларига фаол ҳисса қўшмоқдалар. Мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртлири ҳудудларида, маҳаллалар, овул ва қишлоқларда ҳашар уюштириб, кўчалар, гузарлар, истироҳат маканларини тартибга келтиришмоқдалар.

Ёшлар ташкилотлари етакчилигида жойларда анъанавий тарзда ташкил этилаётган ана шундай ёшлар акциялари мобайнида юртимизнинг турли ҳудудларида, қишлоқларда, овулларда, маҳаллаларда, таълим маканлари ҳудудида кўплаб «Камолот» ва «Ёшлар» боғлари ташкил этилди. Бундай тадбирлар ёшларда яратувчилик ҳиссини кучайтириб, навқирон авлодни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ёшларга халқимизнинг боғдорчилик анъаналарини ўргатишда ўз самараларини бераптир. Айни кунларда ушбу боғларда ёшларимиз томонидан даракларга шакл бериш, чиқиндиларни чиқариш, янги ниҳоллар экиш ишлари амалга оширилмоқда. Шу кунларда пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси

ҳудудида барпо этилган «Камолот боғи»да ҳам ободонлаштириш ишлари авжида.

— Боғимиз йилдан-йилга фойз-тароватга тўлмоқда, ёшларимизни яратувчилик ишларига ундайдиган, табиатга ошно этакдан сўлим масканга айланмоқда, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилиги кенгаши раиси Шухрат Бойқулов. — Боғда мевали ва манзарали даракларни парвариш-лаш баробарида очик жойларда ҳар хил экинлар ҳам етиштирамиз, хилма-хил гуллар ўстираемиз. Айни кунларда боғда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бошлаб юбордик. Бу тадбирларда барча талабалар фаол иштирок этмоқда. Шунинг баробарида, шаҳарчамизда Наврўзга бағишланган турли маданий-маърифий тадбирлар, сумалак сайллари ҳам ташкил этишга тарафдор бўлишмоқда.

Ёшлар ташкилоти ташаббуси билан ўтказилаётган «Ўтганлар руҳини шод этайлик» лойиҳаси ёшлар тафаккурига аждодлар хотирасига эҳтиром туйғусини, ота-боболаримизга муносиб фарзанд бўлиш ҳиссини сингдириш, инсон кадр-қимматини эъзозлашни ўргатади. Ушбу тадбир доирасида ёшларимиз қабристон, зиёратгоҳ ва табарук қадамжоларда ободонлаштириш ишларини амалга оширишмоқдалар. Бу жараёнда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазир-

ликлари, дин ишлари бўйича масъул идоралар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

«Наврўз — меҳр-муруват байрами» лойиҳаси доирасида ёшларимиз маҳаллаларда, қишлоқларда, хонадонларда турли хайрия акцияларини уюштиришмоқдалар. Бу жараёнда ёшларимиз ўзгалар кўмағига муҳтожлар, ёлғиз кексалар ва меҳнат фахрийлари хонадонларида бўлиб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига, рўзгор юмушларида уларга кўмаклашмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими кенгашидан маълум қилишларича, туманда ҳар бир таълим муассасасига маҳаллалар бириктирилган. Ўқувчи-ёшлар дарсдан кейин ўзларига бириктирилган маҳаллаларда, хонадонларда бўлиб, нурунийларга, кам таъминланган оилаларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга уй-жойларни тартибга келтириш, таъмирлаш, турар жойларни ободонлаштириш ишларида ёрдам бермоқда.

Ёшларимиз гузал ва бетакрор байрамимизга ана шундай ўзига хос тарафдор билан пешвоз чиқишмоқда. Ушбу ташаббуслар байрам кунларида янада кенг қулоқ ёйда ва ёшларни бирлаштириш, юртимизда тинчлик-тотувлик, барқарорликни мустаҳкамлаш, навқирон авлод қалбида эзгу гояларни қарор топтиришга хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Шаҳримиз янада обод ва кўркам бўлсин

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

17-18 март кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади.

Ҳашар — элга ярашар, дейдилар. Ўлкамизга фойз-тароват ила яқинлашиб келаётган Наврўзи олам шодийнелари арафасида ҳам-жихатликда, яқдиллик билан яратиш, яшнатиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бош кўшайлик.

Умумхалқ ҳашарида фаол қатнашиб, маҳаллаларимиз, кўчаларимиз ва хонадонларимизни ораста ва обод этайлик.

Озодалик, хуш кайфият ва ободлик билан Наврўзга пешвоз чиқсак бутун йилимиз фойзли, баракотли, қувончли воқеаларга тўлиқ ўтади, азизлар.

жойлашган 63-сонли мактабда «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи томонидан Ҳарбий шаҳарчада «Мустақил юртимга хуш келдинг, Наврўз!» деб номланган адабий кеча ва мусиқий дастур ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Олмазор туман бўлими томонидан Тошкент Давлат шарқшунос-лик институти қошидаги академик лицейда «Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан қадам ташлаш керак!» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ВА ФАРОВОНЛИК РАМЗИ

Мамлакатимизда Наврўз байрамини нишонлаш учун тайёргарлик ишлари давом этаётган шу кунларда пойтахтимиз кўчаларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. ЎЗА мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

Орестес БЕНИТЕС (Испания):

— Тошкентда аввал ҳам бўлганман. Бу йилги ташрифим Наврўз байрамига тўғри келганидан мамнунман. Наврўз кунларида дастурхонга турли кўкатлардан пиширилган ва таомлар тортилишини дўстларимдан эшитдим, уларни татиб кўриш имкони туғилганидан мамнунман.

Ҳар келганимда Ўзбекистонда туризмни, хизмат кўрсатиш соҳасини юксалтириш борасида катта ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўлман. Сайёҳларни кутиб олиш, замонавий меҳмонхоналарга жойлаштириш учун зарур шароит ва имкониятлар мўҳайё. Тарихий обидаларга саёҳат, миллий хунармандлик ва халқ амалий санъати бўйича намуналари билан таништириш ишлари юксак даражада ташкил этилгани ҳам диққатга сазовор.

Аман МЕХРА, (Ҳиндистон):

— Ўзбекистонда Наврўз айёми катта тантана билан нишонланишига кўп марта гувоҳ бўлганман. Гузаллик ва нафосат, саховат тимсоли саналмиш ушбу айёмни барча орзиқиб кутди. Борлиқ яшил либосга бурканиб, табиат ўз гузаллигини кўз-кўз қилаётган, баҳор нафаси уфуриб турган кунларда нишонланадиган бундай ажойиб байрам менга жуда ёқади. Наврўз юртингиздаги тинчлик-осойишталик ва фаровонлик рамзидир.

Маккюн ХЕГАЙ (Жанубий Корея):

— Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга, шу боис дунёнинг кўплаб давлатлари у билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилоқда, етакчи фирма ва компанияларнинг бу ерга тўғридан-тўғри сармоя киритишга қизиқиши катта.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатингизда бошқа соҳалар қатори банк тизими ҳам барқарор ривожланмоқда, молиявий муассасалар муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ва обрўли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошираёптир.

Мен Ўзбекистоннинг кўп ҳудудларида бўлганман. Самарқанд, Тошкент, Хива, Шахрисабз ва Бухоро каби шаҳарлардаги меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ва маданий ёдгорликлар кишида унутилмас таассурот қолдиради. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлилиги мени жуда мафтун этган.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанд шаҳрида вилоятдаги йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Мазкур тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган 150 дан зиёд саноат корхоналари минг турга яқин маҳсулотлари билан қатнашди. Ярмарка доирасида саноат корхоналари раҳбарлари ва кичик бизнес субъектлари, ишлаб чиқарувчилар иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.

• Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган «Республика ҳудудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш журналистларнинг марказий нашрлар ва етакчи ахборот агентликларида малакасини ошириш» лойиҳасининг навбатдаги босқичида Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги босма нашрларда меҳнат қилаётган ёш журналистлар қатнашди.

• Ўзбекистон Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши Бухоро вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Устоз — шогирд анъанаси улуғ қадрият» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди.

• Термиз шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг барча қулайликларга эга янги жарроҳлик мажмуаси фойдаланишга топширилди. Замонавий бинони қуриб, ишга тушириш учун 4,2 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

• Уйчи туманидаги 16-умумтаълим мактабига муқобил энергия манбаидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Яъни ўқув масканига БМТ ҳомийлигида «MIR SOLAR» компанияси томонидан қуёш батареяси ўрнатилди. Эндиликда ушбу мослама ёрдамида 150 донагача замонавий «АКФА» электр лампочкасида фойдаланиш мумкин.

ЖАҲОНДА

• Исландия Халқаро валюта жамғармасидан олган қарзининг бир қисmini мuddатидан олдин қайтарди.

• Жаҳондаги етакчи хом ашё биржаларида илк бор нефть нархининг пасайганлиги кузатилмоқда. Жумладан, Лондон биржасида Brent русумли нефтин нархи 1,42 долларга пасайган бўлса, Нью-Йорк хом ашё биржасида шунча миқдордаги WTI русумли нефтин қиймати 0,32 долларга камайган.

• Кеча Япониянинг марказий қисмида магнитудаси 5,2 балли зилзила содир бўлди.

• Бангладешдаги кема ҳалокати қурбонлари сони 139 кишига етди.

• 16-18 март кунлари Австралиянинг Мельбурн шаҳрида автомобиль пойга-лари бўйича қурраи заминдаги энг нуфузли мусобақа — «Формула-1» бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтади.

• Япония пойтахти Токио шаҳридаги Кейо университети олимлари қатор тажрибалардан сўнг Е витамини суякларни заифлаштириш ва остеопороз касаллигини келтириб чиқариши мумкин, деган хулосага келишди.

• Шотландиялик олимлар имо-ишорани матнга тезкор «таржима» қилувчи антиқа қурилма яратди. Мазкур янги технологияга ўрнатилган камера қўл орқали амалга оширилаётган ишораларни хотирага ёзади ва тезлик билан дастурга узатади. Матн эса мониторда акс этади. Бундай қурилма ёрдамида суҳбатдош эшитиш қобилияти суст ва гапир-ши қийин кишиларни имо-ишора тилини ўрганмай туриб ҳам тушуна олади.

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими ҳамда «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида туманда

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва Ўзбекистонни 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланишича, бу йил мамлакатимиз иқтисодиётида янада юксалиш йили бўлади, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш бўйича кенг имкониятлар ва имтиёзлар яратилади. Ёшларнинг тадбиркорликда иштирок этишини кенгайтириш, ёш оилалар, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳалла институти родини кучайтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.



«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларда юксак ахлоқий-маънавий муҳитни қарор топтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом фарзандларни тарбиялаш учун тегишли шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган вазифалар доираси белгиланган.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда молиявий институтлар фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиз тижорат банклари фаолигини ва барқарорлигини ошириш, кичик бизнес ва унинг шаклларида бири бўлган оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг сифат даражасини кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш мақсадида аҳоли ўртасида кенг қўллаб-қувватлаш бўлиб борилаётган. Имтиёзли кредитлар ва микрокредитларни бериш, шу жумладан, таълим муассасалари, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитларни ажратиш кўлами кенгаймоқда. Уларнинг бўлиш шартлари соддалаштирилмоқда, тегишли буюртмаларни кўриб чиқиш муддати қисқартирилмоқда.

ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА РАФБАТ

«MET-FUR-SERVIS» МЧЖ мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган энгил автомобилларга бутловчи қисмларни тайёрлаш учун хом ашё ва ускуналар, шунингдек, мебел-созлик саноати учун металл фурнитура, жами 200 та номдаги маҳсулотларни харид қилиш мақсадида 500 млн.сўмлик кредит олди.

ЎзР ТИФ Миллий банкнинг Тошкент шаҳри бўйича Бош бошқармаси томонидан тадбиркор аёлларга ҳам ҳар томонлама қўмақ кўрсатилмоқда. Бу орқали уларнинг бандлиги, меҳнат шароитларининг яхшиланиши, соғлом оилани шакллантириш ишлари такомиллаштирилмоқда. Ху-

бирламчи молиявий ёрдамни қўлга киритган субъектлар, мустақил тадбиркорлик фаолияти тажрибасига эга бўлар экан, вақт ўтгач, корхонасини йириклаштиради ва кичик бизнесдан йирик ишлаб чиқаришларни ташкил этишга ўтади.

ЎзР ТИФ Миллий банкнинг Тошкент шаҳри бўйича Бош бошқармаси томонидан барча манбалар ҳисобидан 2011 йилда 12,1 млрд.сўмлик микрокредитлар ажратилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ҳар бир таркибий бўлинмаси қошида «тадбиркорлар

ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

ЎзР ТИФ Миллий банкнинг Тошкент шаҳри бўйича Бош бошқармаси ва пойтахт филиаллари вакилларининг «Тадбиркорлик – мустаҳкам оила асоси» бизнес-форумида иштирок этиши 2011 йилда мамлакатимиз вазирликлари, идоралари, шу жумладан, молия-банк тизими томонидан амалга оширилётган тадбирларнинг мантикий давоми бўлди.

Ушбу анжумандан кўзланган мақсад мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий фаол қисми иштирок этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тобора ошиб бораётган аҳамиятини намойиш этишдан иборат эди. Унда «Банк – тадбиркорлик» ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари кайиди қилинди. Бу йил ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадида ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ҳажми янада ортади. Тижорат банкларининг диққат марказида оилавий ва хотин-қизлар тадбиркорлиги, хунармандчиликни ва бизнеснинг бошқа йўналишларини ривожлантириш масалалари туради.

Умуман, йил давомида ЎзР ТИФ Миллий банкнинг Тошкент шаҳри бўйича Бош бошқармаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига камида 270 млрд. сўмлик кредит ажратилиши режалаштирилган.

Шу тарафдан, ҳозирги пайтда амалга оширилаётган ислохотлар асосини инсон манфаатлари устуворлиги, унинг ҳуқуқлари кафолатлари ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилиниши мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш йўлида янги мақсадларни белгилаб берди.

Бугунги кунда ЎзР ТИФ Миллий банкнинг Тошкент шаҳри бўйича Бош бошқармасининг бирламчи вазифаларини молия бозоридаги етакчи мавқени сақлаш, миқозларнинг ишончини оқлаш ташкил этади.

Банкнинг кредитлар портфели хорижий шериклар иштирокида қўшма корхоналар, кичик хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятларининг ташкил этилишига қўмақлашади. Демак, мамлакатимизнинг озик-овқат, кимё саноатида, тиббиётда, қишлоқ хўжалигида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида янги ишлаб чиқариш корхоналари яратилади.

Тадбиркорларга кредит ажратишнинг турли схемаларини тақлиф этган ҳолда банк нафақат даромад олишни кўзлайди, балки, энг муҳими, ўз миқозлари билан молиявий ҳамкорликни мустаҳкамлашга бирламчи эътибор қаратади.

О. ҲАКИМОВА

ТИНЧЛИК- ОСОЙИШТАЛИК ВА ФАРОВОНЛИК РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Абелард НЕЙГАУЗ (Германия):

– Ўзбекистон қадимдан жаҳон илм-фани марказларидан бири бўлган. Бу ерда дунёнинг турли мамлакатларидан келган илму толиблар қўллаб-қувватлаш бўйича таҳсил олгани, улар орасидан жаҳон илм-фани, маданияти тараққиётига беназир ҳисса қўшган қўллаб-қувватлаш олимлари етишиб чиққани жаҳонга маълум. Ўзбекистон – тарихий шаҳарларга бой мамлакат. Зотан, бу шаҳарлардаги қадимий ёдгорликлар билан танишган ҳар бир киши мамлакатингиз нақадар бой тарихга эга эканига ишонч ҳосил қилади.

Ўзбекистонга бундан олдин ҳам келганман. Наврўзи арафасидаги бу галги таширими мобайнида ўтган қисқа вақт ичида мамлакатингизда улкан ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўлдим. Тошкент бутунлай ўзгача кифо касб этибди. Бу ерда янги муҳташам бинолар, улкан спорт иншоотлари қад ростлабди, қўллаб-қувватлаш таълим масканлари барпо этилибди. Дам олиш масканлари, ресторан ва қаҳвахоналар, супермаркет ва дўконларда кўрсатилаётган юқори сифатли хизмат ҳар қандай юртдан келган сайёҳга манзур бўлиши шубҳасиз.

Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.

Ҳамжиҳат маҳалла

ТИНЧ ҲАЁТИМИЗ НАШИДАСИ

Миллий қадриятларимиз ва эзгу анъаналаримиз сарчашмаси бўлган Наврўз айёми маъномасизуни билан жамиятда эзгуликни қарор топтириш, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга ундайди.

Байрам арафасида шаҳару қишлоқларимизда кўчаларимиздаги таълим ва ободонлаштириш ишлари қизгин паллага киради. Маҳалла ва турар жойлар орасида, зиёратгоҳ ҳамда табаррук қадамжолар тартибга келтирилади, кўча ва хиёбонларга манзарали дараклар, гул кўчатлари ўтқазилади. Уюшқоқлик, бирдамлик асосида ўтадиган бундай эзгу ишлар халқимизнинг азалий қадриятлари – ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлайди.

Буни пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Журжоний» маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин. Уч ярим мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар доим барқарор.

– Наврўз ободлик, меҳр-оқибат ва саховат байрамидир, – дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтинур Саидов. – Байрамга тайёрланиш жараёнида кўчалару йўлақлар, майдончаларни ободонлаштиришимиз, мевали дараклар ва гул кўчатларини ўтқазянимиз. Шу билан бирга, хонадонлардаги вазият билан яқиндан танишиб, кимга қандай қўмақ зарурлигини аниқлаб, маҳалла фаоллари ўзаро баҳамжиҳат ҳал этилди. Бу анъана оилалар мустаҳкамлиги, маҳалламиз тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилаётган.

Мамлакатимиздаги кулай бизнес-муҳит туфайли юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланмоқда. «Журжоний» маҳалласида ҳам ўндан ортиқ тадбиркорлик субъекти, ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, бу маҳалла аҳолисини, айниқса, коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Ёш хунарманд Мадина Собирова эса қўли гул тўқувчи сифатида шаҳарда танилган.

Бугун юртимиздаги ҳар бир маҳаллада замонавий спорт мажмуалари қад кўтариб, спорт мактаблари фаолияти йўлга қўйилган. Уларда болалар бўш вақтини мазмунли ўтказиб, соғлом ва баркамол улгаймоқда.

«Журжоний» маҳалласидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам ёшларнинг сеvimли масканига айланган. Бу ерда 200 дан ортиқ ўғил-қиз спортнинг бир неча тури билан мунтазам шугулланиб келмоқда. Ушбу мактаб тарбияланувчиларининг катор спорт турлари бўйича мамлакат чемпионатларида муваффақиятли катнашиб, Ўзбекистон терма жамоасига жалб этилаётгани маҳалла болаларининг спортга бўлган иштиёқини янада оширмоқда.

Маҳаллада ёш оилаларнинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бу борада зарур қўмақ, маслаҳат кўрсатиш тизимини йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётган. Мустаҳкам оила йилида маҳаллада бу борада махсус дастур ишлаб чиқиш, уни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишга киришилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «мустаҳкам оила» деган гоғийн ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёсдир, деган сўзлари ушбу маҳалла мисолида ҳам яққол ифодасини топмоқда. Маҳалла фаоллари томонидан оилалардаги ҳар қандай келишмовчилик баҳамжиҳат ҳал этилмоқда. Ёш оилаларни мустаҳкамлаш йўлида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилаётган.

Тинчлик-тотувлик, бирдамлик ҳукм сурган юртга Наврўзи олам каби байрамлар, шодиёналар ярашади. Мамлакатимиздаги барча маҳаллалар Наврўз айёмини ана шундай тинчлик-осойишталикда, кўтаринки кайфиятда кутиб олмақда.

Н.АБДУРАИМОВА,
Ўза муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳрида 2012-2013 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2012 йил 26 мартдан 30 мартгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегаралаган ҳолда иссиқлик манбаларининг энг юқори ҳароратига иссиқлик тармоқларида синовлар ўтказилади.

2012 йил 2 апрель куни 6-ИМ таъсир доирасида иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегаралаган ҳолда иссиқлик тармоқлари қувурларининг изоляцияси орқали иссиқлик йўқотишларни аниқлаш бўйича синовлар ўтказилади.

2012 йил 2 апрелдан 23 апрелгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда механик мустаҳкамлик ва зичликка (юқори босим) иссиқлик тармоқлари синовлари ўтказилади.

Иссиқлик манбалари таъсир доирасининг манзилли рўйхати:

1-ИМ (М-1,4)

11 апрель куни – Мустақиллик шох кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Бодомзор йўли, И.Мўминов, Кичик ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Шахриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, Тошқишлоқмаш, Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 мавзелари, ТашГРЭС кўрғони, Ҳамид Олимжон майдони.

2-ИМ

9 апрель куни – Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш. Бурҳонов, Р.Ҳамроев, Салом кўчалари, Қорасув – 1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар кўрғони.

3-ИМ (М-1,4)

5 апрель куни – Бунёдкор шох кўчаси, Навоий,Олмазор, Беруний, Ўзбекистон, А.Хўжаев, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай, Абдулла Қодирий, А.Ҳидоят, Хомутхон кўчалари, Чорсу, Қоратоп, Олмазор, Бешёғоч, М-10,11,13,14, М-26, 27, 28, Б-1, Б-2, Б-3, Қорақамиш 2/1,2/2 турар жой мавзелари

4-ИМ (М-0,1)

2 апрель куни – Амир Темур шох кўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Н.Ҳасанов, Себзор, М.Шамсутдинов, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Шайхонтоҳур, Баҳор, 1-Қорақамиш кўчаси, М-1,2,5,6,12,15, М-17,18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4, 2/1,2/2, 2/5 мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8)

4 апрель куни – Амир Темур шох кўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобад, Соҳибкор, Шахристон, Уч Каҳрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари, Юнусобод 1-19 даҳаларидаги турар жой мавзелари.

5-ИМ (М-0,4)

12 апрель куни – Чилонзор-5-12 турар жой мавзелари, Г9А, М, 6-20, 20А, 24-26 даҳалари, Дўмбиробод, Шарқ, Оқтепа, Гулистон, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч турар жой мавзелари, Заргарлик, Гулистон, Муқимий, Фарҳод, Чўпонота, Боғибустон, Кичик ҳалқа йўли, Нақшолик, Новза-Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Тақачи, Ширин, Лутфий кўчалари.

6-ИМ

28 март, 2 апрель ва 5 апрель кунлари – Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Кўйлик, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлик – 1-7, Кўйлик – Айланма йўли турар жой мавзелари.

7-ИМ

26 март ва 3 апрель кунлари – Қорасув, Бешариқ, Бирлашган, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар, Оҳангарон кўчалари, Тузел 1,2,3,4, ДСК-1, Слонима-1,2, Авиасозлар турар жой мавзелари.

8-ИМ

26 март ва 3 апрель кунлари – Сергели 1-8А, Йўлдош – 8,15,16,17, Дўстлик – 1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, Мехриғиё, А.Ахматова, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

9-ИМ

29 март ва 9 апрель кунлари – Чилонзор мавзелари 9, Г9А, 10,13-15, 15А, 21-25,30,31 даҳалари, Шарқ, Ал-Хоразмий-

1,2, Бешқайрағоч, Гулистон, Тақачи, Ширин, Лутфий, Катта Хирмонтепа турар жой мавзелари, Фозилтепа 2 тор кўчаси.

10-ИМ

28 март ва 10 апрель кунлари – Форобий, Беруний, Мухбир, Мирзо Фолиб, Олим Хўжаев, Чимбой, Шифокорлар 2-кўчаси, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш-2/3,2/4, Тансиқбоев-1,2,3,4, О. Хўжаев, Ўз.МУ-ТошДТУ, Олимпия, Абу Али ибн Сино-1,2, Белтепа микротуманлари.

ИЭМ (М-0)

27 март ва 23 апрель кунлари – Навоий, Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Боғибустон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Чилонзор мавзеси 1-5, Е, И, М-7 даҳалари.

«Саноатэнерго» қозонхонаси таъсир доирасида 10 апрель куни иссиқ сув таъминоти бўлмайд.

Этиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланган бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёт бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни, ноодавий ҳолларни сезсангиз 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

Қуйидаги иссиқлик марказларини тулиқ режали баҳорги тўхташ мўлжалланмоқда.

1-ИМ	«Шимолий-Шарқ»	23 – 27 апрель кунлари
2-ИМ	«Қорасув»	2 – 6 апрель кунлари
3-ИМ	«Фарбий»	9 – 13 апрель кунлари
4-ИМ	«Шимолий»	23 – 27 апрель кунлари
5-ИМ	«Чилонзор»	16 – 20 апрель кунлари
6-ИМ	«Жануби-Фарб»	9 – 13 апрель кунлари
7-ИМ	«Авиасозлар»	16 – 20 апрель кунлари
8-ИМ	«Сергели»	16 – 20 апрель кунлари
«Водник»		9 – 13 апрель кунлари
«ТТЗ»		16 – 20 апрель кунлари
«Саноатэнерго»		23 – 27 апрель кунлари
ТошИЭМ		30 апрелдан 4 майгача

Тўхташ даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишлари таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайд.

Коммунал хизмати тўловларини ўз вақтида тўлайлик!

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамизга яхши маълумки, ҳар биримиз истеъмолчи сифатида табиатнинг бебаҳо неъматлари – сув, табиий газ, электр энергиясини ресурслардан фойдаланамиз. Турмушимизга чуқур сингиб кетган ва фаровонлигимизни таъминлашда муҳим омил бўлган мазкур неъматлар соҳа ходимларининг заҳматли меҳнатлари ва катта маблағлар эвазига етказиб берилди.

Шу боис ҳам уларнинг кадрига етиш, исрофгарчилигига йўл қўймаслик, тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш, шунинг баробарида «Хисобли дўст айрилмас» нақлига амал қилган ҳолда фойдаланилган иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик қуввати, табиий газ, электр энергияси ҳамда кўп қаватли уйларида фойдаланиш харажатлари тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир.

Зеро, тежамкорлик – катта бойлик, демакдир. Юқоридаги неъматларни керагича – омилкорлик билан, фойдаланиш қоидаларига тўла амал қилган ҳолда сарфласак, қоидабузарлик ва ўзбошимчилик билан уланишларга йўл қўймасак хизмат сифатига ва самарадорлигига хисса қўшган бўламиз, тўловларимиз эса эртага ўзимизга намунали хизмат сифатида қайтади.

Шу ўринда, сиз қадрли истеъмолчиларга шуни эслатиб қўймоқчимизки, мазкур коммунал хизматлар юзасидан бирорта муаммо туғилса, носозлик ва авария ҳолатлари рўй берган тақдирда қуйидаги телефонлар орқали соҳа ходимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

● **Коммунал хўжалиги бўйича туну кун фаолият кўрсатувчи диспетчерлик хизмати – 055**

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий авария-диспетчерлик хизмати – 255-44-27
Учтепа – 274-44-34
Бектемир – 295-14-43
Миробод – 254-15-61
Мирзо Улуғбек – 267-19-47
Олмазор – 248-35-48
Сергели – 258-84-33
Ҳамза – 296-39-61
Чилонзор – 278-09-99
Шайхонтоҳур – 242-39-26
Юнусобод – 212-25-52
Яккасарой – 255-49-59

ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий диспетчерлик хизмати – 233-77-53, 233-78-46
Учтепа – 274-14-81
Бектемир – 295-10-66
Миробод – 291-15-92
Мирзо Улуғбек – 267-58-15
Сергели – 258-38-60
Олмазор – 242-46-95
Шайхонтоҳур – 278-87-11
Ҳамза – 291-87-83
Чилонзор – 271-13-63
Юнусобод – 225-00-65
Яккасарой – 250-19-67

ЕНГИЛ ТАКСИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан қонуний шугулланиш истагидаги тадбиркорларни «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тизимидаги ихтисослашган такси саройларига ишга таклиф этамиз.

Такси саройларида автомобилларни техник назоратдан ўтказиш жойлари, таъмирлаш устaxonалари, ювиш ва сақлаш жойлари, йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрик, нозимлик хизматлари ташкил этилганлиги билан бирга, енгил автомобилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори таълаблари асосида жиҳозлаш бора-сида барча имкониятлар мавжуд.

Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси	тел.: 233-51-47
«Тошавтобустранс» АК	тел.: 234-90-36
«Чуқурсой» автокорхонаси» МЧЖ	тел.: 248-05-56
«Интер-транс-сервис» ҚК ОАЖ	тел.: 272-89-47, 272-68-52
«Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ	тел.: 290-70-17
«Тўртинчи автохизмат» МЧЖ	тел.: 263-38-80
«5-такси саройи» МЧЖ	тел.: 280-60-54

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1. «Тошиссиққуввати» ИЧБ маълум қиладики, энергия ташувчи мухитнинг нархлари ошиб кетгани боис 2012 йил 1 апрелдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси улгуржи тарифи ҚҚСсиз 30131,0 сўм/Гкал микдоридан ва ҚҚС билан 36157,2 сўм/Гкал микдоридан белгиланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА

2. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК Тошкент шаҳри аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладики, энергия ташувчи мухитнинг нархлари ошиб кетгани боис 2012 йил 1 апрелдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф(нарх)лар белгиланади: марказий иситиш – 535,95 сўм/м²/ой (турар жой майдони); иссиқ сув таъминоти: — ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда – 6707,12 сўм/киши/ой — умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун – 4989,45 сўм/киши/ой; — ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда – 1 м³ истеъмол қилинган иссиқ сув учун – 1717,47 сўм

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланувчилар диққатига!

2012 йилнинг 28 март куни «Тошкент» телерадиоканалининг кечки дастурларида тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган «Бевосита мулоқот» кўрсатуви орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарорининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида мутасадди ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари иштирокида кўрсатув бўлиб ўтади.

Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонга мурожаат қилишингизни сўраймиз: **«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тел.: 233-52-23**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.



Тошкент шаҳрида кўра, 17 мартда Тошкент куну ҳаво ўзгариш турари, кечаси ёмғир ёғади. Фардан секунди-га 7-12 метр тезликда даладининг сақланиб шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 2-4 даража илқ, кундузи – 15 даража илқ атрафида бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 17 мартда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолганига имконият яратади, тағмиқдори наст бўлади.

Шайхонтоҳур туман бошқармаси томонидан 2009 йил 26 февралда R-003133 – 09 рақамда рўйхатдан ўтган Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 7А-уйда жойлашган «Автотўхтовсервис» МЧЖ (СТР 301080240) 2012 йил 2 мартдаги таъсисчиларнинг умумий мажлиси қарорига кўра тугатилади. Даволаш эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат давомида Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 7А-уй манзили бўйича қабул қилинади. Тел. 241-24-24

Олмазор туманидаги Ш.Илоҳий кўчаси, 36-уйда истиқомат қилган Разиков Дадамирза номда бўлган уй режаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЖАҲОНГИРЛИК АСРАРЛАР

Ўзбекистон
5.55 Қўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Кўна замин оҳанглари».

11.25 Биатлон.
12.15 Тоғ чиги спортлари.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.05 Болалар майдончаси.

Ўзбекистон
5.55 Қўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Кўна замин оҳанглари».

14.45 АНОНС.
15.00 «Мадди майдон».
15.05 АНОНС.
15.10 Футбол. ОЧЛ. «Пахтакор» (Ўзбекистон) — «Банияс» (БАА).

Тошкент
6.00 Қўрсатувлар тартиби.
6.05 «Зароб: ўсимлар лигаси». Б/ф.
7.30 «Салом, Тошкент!».

Первый канал
04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.35 Контрольная закупка

Тошкент
6.00 Қўрсатувлар тартиби.
6.05 Миллий кино: «Севинч». Б/ф.
7.30 «Салом, Тошкент!».

Россия
04.00 «Утро России»
08.05 «С новым домом!» Тоқ-шоу
08.50 «О самом главном». Тоқ-шоу

ДУШАНБА, 19
16.45 «Малика ва етти баҳодир». М/ф.
17.15 «Касбиим-фахрим».
17.30 «Менинг шаҳрим».

Россия
04.00 «Утро России»
08.05 «С новым домом!» Тоқ-шоу
08.50 «О самом главном». Тоқ-шоу

ЧОРШАНБА, 21
16.00 «Хуш келдинг, Наврўз!». Телемадорат.
17.00 «Саломатлик сирлари».

Россия
04.00 «Утро России»
08.05 «С новым домом!» Тоқ-шоу
08.50 «О самом главном». Тоқ-шоу

Спорт
6.00 «Хайри тоғи».
6.05 Анонс.
6.10 «Саломат бўлинг!».

Россия
04.00 «Утро России»
08.05 «С новым домом!» Тоқ-шоу
08.50 «О самом главном». Тоқ-шоу

Спорт
6.00 «Хайри тоғи».
6.05 Анонс.
6.10 «Саломат бўлинг!».

Россия
04.00 «Утро России»
08.05 «С новым домом!» Тоқ-шоу
08.50 «О самом главном». Тоқ-шоу

Ўзбекистон
5.55 Қўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Кўна замин оҳанглари».

19.40 «Салтанат жодуси» т/с (7-қисм)
20.30 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури

Ўзбекистон
5.55 Қўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Кўна замин оҳанглари».

11.25 Футзал. ОЧЛ саралаш турнири. «Ал Васл» (БАА) — «Налоговик» (Қирғизистон).

Тошкент
6.00 Қўрсатувлар тартиби.
6.05 «Кутуб бекати».
6.20 «Жумон». Т/с. 40-қисм.

Первый канал
04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.35 Контрольная закупка

Тошкент
6.00 Қўрсатувлар тартиби.
6.05 Иқтисод рево».
6.15 «Фазал бўлиб».

Россия
04.00 «Утро России»
08.05 «С новым домом!» Тоқ-шоу
08.50 «О самом главном». Тоқ-шоу

СЕШАНБА, 20
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Икки тақдир». Т/с. 152-қисм.
15.35 «Анонс».

Россия
04.00 «Утро России»
08.05 «С новым домом!» Тоқ-шоу
08.50 «О самом главном». Тоқ-шоу

Пайшанба, 22
15.55 «Анонс».
16.00 Тошкент тароналари.
16.10 «Нима учун».

Россия
04.00 «Утро России»
08.05 «С новым домом!» Тоқ-шоу
08.50 «О самом главном». Тоқ-шоу

Спорт
6.00 «Хайри тоғи».
6.05 Анонс.
6.10 «Саломат бўлинг!».

Россия
04.00 «Утро России»
08.05 «С новым домом!» Тоқ-шоу
08.50 «О самом главном». Тоқ-шоу

Спорт
6.00 «Хайри тоғи».
6.05 Анонс.
6.10 «Саломат бўлинг!».

Россия
04.00 «Утро России»
08.05 «С новым домом!» Тоқ-шоу
08.50 «О самом главном». Тоқ-шоу

Тошкент Оқлом
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буяртма Г- 341

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр қўрсатиш — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
17152 нуҳада босилди.
Кўзгў бичими А-2

Нашрият етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.20